# Тошкент оқшоми

2013 йил 15 январь, сешанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (12.321)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Иқтисодиёт**

## ИЧКИ БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИ БОР

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган катта эътибор туфайли уларнинг сони ортмоқда. Ана шундай кичик корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз сифати билан ички бозорда муносиб ўрин топиб келаётгани қувонарли.***

Бир неча йилдан бери «Гўзаллик империяси» бренди остида маҳсулотларини тақдим этиб келаётган «Наталья+Наргиза» хусусий корхонасини ҳам ички бозорда ўз нуфузига эга, дейиш мумкин.

— Корхонамизда тикиладиган кийимлар бир ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган, – дейди корхона менежери Олим Мирзаев. — Моҳир бичиқчи ва тикувчиларимиз томонидан яратилаётган 30 турдаги либослар замонавийлиги, бежиримлиги билан ажралиб туради. Улар сирасига байрамона костюмлар, смокинг, бал учун мўлжалланган либослар, адрас, атлас ва парчалардан тикилган миллий либосларни киритиш мумкин. Бундан ташқари буюртмалар қабул қиламиз ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларига ижарага ҳам берамиз.

Тикувчилар – Екатерина Ларина, Фарида Жабарова, Анастасия Лишенко, Феруза Шоҳайдарова ва бошқаларнинг саъй-ҳаракатлари самара бериб, бугунги бозор талабига мос либослар яратилмоқда ва уларнинг харидоргирлиги ошмоқда.

Бундан ташқари корхона уй бекаларини ҳам иш билан таъминлаб келмоқда. Бу ўз навбатида корхонага ҳам, оила бюджетига ҳам фойдалидир.

— Келажакдаги режаларимиздан бири ўз ўқув марказимизни очишдир, — дейди корхона раҳбари Наталья Супряткина. — Ўқув марказида тикиш-бичиш, сартарошлик ва чет тилларини ўрганиш мумкин бўлади.

**Зиёда РАСУЛОВА**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Бу жараёнда мамлакатимиз банк-молия тизими томонидан қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш юзасидан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган чора-тадбирлар соҳа тараққиётида янги имкониятлар очмоқда.***

## БАНК ТИЗИМИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ ТАЯНЧИ

Тадбиркорларнинг яқин ҳамкори ва ишончли таянчига айланган мамлакатимиз банк тизими ишбилармонларнинг ишончини тўла қозонишни ўзининг асосий мақсадларидан бири этиб белгилаган. Айни пайтда мамлакатимиз банклари молиявий хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида самарали фаолият кўрсатаётгани ва банк тизимини янада ривожлантириш йўлида салмоқли натижаларга эришаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Ўзбекистон банк тизими доимий равишда нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг даражасига сазовор бўлаётгани банкларимиз халқаро мезонларга мос иш олиб бораётганлигини кўрсатади. Банклар барқарорлиги уларнинг мижозлар талаблари асосида замонавий хизматлар сифати ва кўламини оширишига хизмат қилмоқда.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази жамиятимиз ҳаётининг кўплаб жабҳаларида жамоатчилик фикрини ўрганиб келмоқда. Жумладан, банк тизими фаолияти жамоатчилик томонидан қандай баҳоланаётганини кузатиб боришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказ тадқиқотларининг ушбу йўналиши Ўзбекистон банк тизими томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамда оилавий бизнесни, ёшлар ва аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишларни жамоатчилик назари билан кузатиш ҳамда шу асосда бу борадаги фаолият самарадорлигини янада юксалтиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бу соҳада тадқиқотлар мунтазам олиб борилмоқда ва социологик сўровнинг асосий натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинмоқда. Бу эса Ўзбекистон банк тизими томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнес, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида жамоатчилик фикрининг тўғри шаклланишига хизмат қилмоқда.

Марказ томонидан 2012 йил якунлари юзасидан навбатдаги тадқиқот «Оилавий бизнесни ривожлантириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни ҳамда ҳудудларда аҳоли ва ишбилармонлик муҳити вакилларининг банк тизимига бўлган ишончи ҳақида жамоатчилик фикри» мавзуида ўтказилди.

«Ижтимоий фикр» марказининг мазкур сўровида мамлакатимизнинг қишлоқ ва чекка жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган, ўз оилавий бизнесини юритаётган юртдошларимиз, ёш тадбиркорлар ва тадбиркор аёллар қатнашди. Респондентларни танлашда тадбиркорлик соҳасининг барча тоифалари (оилавий тадбиркорлик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик корхона ва микрофирмалар) қамраб олинди, бу жараёнда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, тадбиркор аёлларга ҳам эътибор қаратилди.

Сўровларни ўтказиш жараёнида дастлаб мамлакатимизнинг қайси тижорат банклари фаолияти эътирофга лойиқ, деган саволга жавоблар олинди. Сўровда иштирок этганлар «Халқ банки», «Агробанк», «Микрокредитбанк», Миллий банк, «Саноатқурилишбанк», «Асака банк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Алоқабанк», «Трастбанк» филиалларининг фаолияти кўпроқ эътиборга молик эканини билдирдилар.

«Сизга хизмат кўрсатувчи банкнинг фаолиятига қандай баҳо берасиз?», деган саволга сўровда иштирок этганларнинг 98,4 фоизи ижобий баҳо берди. Илгариги сўровларга нисбатан «яхши» ва «юқори» баҳони бераётганлар салмоғи ортаётгани кузатилди.

Пул маблағларини банк муассасаларида сақлашнинг ишончлилиги ва қулайлигини сўровда иштирок этганларнинг 94,9 фоизи таъкидлаган. Буни банкларда сақланаётган аҳоли омонатлари давлат томонидан тўла кафолатланганлиги ва банклар томонидан жозибадор омонат турлари таклиф этилаётганлиги билан изоҳлаганлар. Аҳолининг омонатга пул қўйишида ҳал қилувчи омил сифатида биринчи ўринда «Банкка бўлган ишонч», иккинчи ўринда «Юқори сифатли хизмат кўрсатиш» қайд этилди.

Тадқиқотлар натижаларидан банкларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ортиб бораётгани маълум бўлмоқда. Респондентларнинг катта қисми (96,8 фоизи) бу масалада ўз мамнунлигини билдиргани буни яққол тасдиқлайди.

Шунингдек, сўровда иштирок этганлар электрон воситалар ва пластик карточкалардан фойдаланиш, тўловларни амалга оширишда замонавий телекоммуникация воситалари қўлланилаётгани натижасида яратилаётган қулайликлар хусусида ижобий фикр билдириб, бундай хизмат турларини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаганлар.

***(Давоми 2-бетда)***

## ВАТАНИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси Зоҳид Дўсанов мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва изчил takомиллаштириш, мамлакатимиз миллий манфаатлари ва суверенитетини ҳимоя қилиш, юртимиз мудофаа қобилиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ҳам мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизга четдан ноқонуний равишда қурол-яроғ, ўқ-дори ва гиёҳванд моддалар ҳамда мустақиллигимизга таҳдид солувчи турли экстремистик адабиётлар ва воситалар кириб келишининг олдини олиш, ички бозорни муҳофаза қилиш борасида муҳим вазифаларни бажариб келмоқда.

Божхоначиларимиз томонидан 2012 йилда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда йигирма тўрт мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, умумий қиймати 107 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинди. Шунингдек, 2012 йилда давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари 2011 йилдагига нисбатан 44,6 фоиз ортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 10 январда қабул қилинган Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонига асосан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган Ватан ҳимоячилари орасида божхона органлари вакиллари ҳам бор.

Тадбирда мукофотланганларга давлатимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Миллий армия – истиқлол посбони» номли маънавий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси пойтахтимиздаги «ЎзЭКСПО» кўргазмалар марказида 2013 йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва янгиликлар тўғрисида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида тумандa жойлашган 3 йиллик бичиш-тикиш дизайнерлик мактаби ўқувчилари ўртасида «Гўзал турмуш яратамиз» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Андижон туманида бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Техноинноватор» масъулияти чекланган жамиятида йилига 120 тонна термопласт маҳсулотлари тайёрлаш ўзлаштирилди. Лойиҳа рўёби учун корхонага банк томонидан 100 минг АҚШ долларилик молиявий кўмак берилди. Таъкидлаш керакки, ўтган қисқа фурсатда бу ерда тайёрланган 86,4 миллион сўмлик дастлабки маҳсулот буюртмачиларга етказилди.**

● **Китоб туманидаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Севинч савдо ишлаб чиқариш» масъулияти чекланган жамиятида ўсимлик ёғи тайёрлаш ўзлаштирилиши ҳисобига янги тармоққа асос солинди. Ҳар йили ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган мазкур жамоа эндиликда махсар, кунгабоқар, соя каби ўсимликлардан сифатли ёғ ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда хориждан келтирилган замонавий технологик линия ёрдамида кунига 500 килограммгача хом ашё қайта ишланиб, ўсимлик ёғи ажратиб олинмоқда.**

● **Бухоро шаҳрида Ҳиндистон тадбиркорлари ва ҳунармандларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳиндистоннинг «Great India expo» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда йигирма нафардан зиёд ҳиндистонлик ишбилармон ва ҳунармандлар юздан ортиқ турдаги маҳсулотлари билан қатнашдилар.**

● **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 15 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 1988,56 сўмга тенг, 1 ЕВРО 2609,68 сўмга тенг, 1Россия рубли 65, 73 сўмга тенг.**

### ЖАҲОНДА

● **«GO Kamera» йиллик саёҳатлар фестивали бу йил Чехиянинг Брно шаҳрида 20 январь куни бўлиб ўтади. Бу йил унинг дастурига бошқа тақдимотлар қаторида иккита тақдимот ҳам киритилган. Ушбу «Буюк Ипак йўли даврлар силсиласида» ва «Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги» тақдимотларида замонавий Ўзбекистоннинг қадимий дурдоналари — Бухоро, Самарқанд ва Хива шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилинади.**

● **Кучли қор ёғиши туфайли Токионинг Ханэда аэропортида 400 дан зиёд ички рейслар бекор қилинди. Машиналар учиш йўлакларидаги қорларни тозалашга улгурмаяпти. Қор кўп ёғиши оқибатида Япониянинг марказий ва шимоли-ғарбий қисмидаги бошқа аэропортлар ҳам узилишлар билан ишламоқда.**

● **Cygnus хусусий юк кемаси Халқаро космик станцияга 5 апрель куни парвоз қилиши мумкин. Тахмин қилинишича, кема станцияда бир ойдан зиёд вақт мобайнида туради, унинг қайтиши 7 майга режалаштирилган. Cygnus кемаси Orbital Sciences компанияси томонидан яратилган. У коинотга 2–2,7 тонна юк олиб чиқишга қодир.**

● **Хитой ҳукумати Пекинда янги аэропорт қуриш лойиҳасини тасдиқлади. Қурилишининг қиймати 70 миллиард юанга (11,2 миллиард долларга) тенг аэропорт илк йўловчиларни 2018 йилда қабул қилади, 2025 йилдан бошлаб эса тўлиқ қувват билан ишлай бошлайди.**

● **Америкалик қутбчилар жамоаси Антарктиданинг муз остидаги Уилланс кўлига етиб келди ва шу ҳафтада бурғулаш ишларини бошлашни мўлжалламоқда. Қутбчилар бурғулаш ускуналари билан бирга Росса музлиги бўйлаб минг километрдан зиёд йўлни босиб ўтди. Кўл муз остида 800 метрга яқин чуқурликда жойлашган.**

# БАНК ТИЗИМИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ ТАЯНЧИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хизмат кўрсатувчи тижорат банкида тадбиркорлар ва аҳоли учун яратилган шарт-шароитлар, банкнинг иш тартиби, банк хизматларининг турлари, банк ходимларининг малакаси ва муомала маданияти юзасидан ўз фикрини билдирганларнинг кўпчилиги (97,4 фоизи) бу масалалар бўйича ижобий баҳо берди.

Тадбиркорлик субъектларининг банкларнинг кредитлаш хизматларидан фойдаланиш имкониятларини, кредитларнинг самарадорлигини аниқлаш социологик сўровнинг асосий йўналишларидан бири бўлди.

Тижорат банкларидан кредит олиш учун тақдим қилинаётган бизнес лойиҳаларнинг мақсадларини ўрганиш натижаларига кўра қуйидаги йўналишлар устуворлиги маълум бўлди: тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва айланма маблағни шакллантириш, янги технологияларга асосланган ускуналарни сотиб олиб ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ривожлантириш, замонавий талаблар асосида бино ва иншоотларни қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш.

Банкларнинг имтиёзли микромолиявий хизматлари кўпчилик респондентлар томонидан алоҳида таъкидланди ва ушбу хизмат турлари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун катта имконият яратаётгани эътироф этилди.

Шунингдек, сўровларда мамлакатимиз банк тизими микрокредитлаш асосида давлатимизнинг ёшларни ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларни иш билан таъминлаш борасидаги сиёсатини фаол қўллаб-қувватлаётгани ҳам ўз аксини топганини қайд этиш жоиз.

Мамлакатимизнинг етакчи тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида берилаётган имтиёзли кредитлар самаралари бўйича ҳам кўпчилик респондентлар ўз ижобий муносабатини билдирди.

Хусусан, ажратилаётган ушбу имтиёзли кредитлар ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, бошланғич капитални шакллантириш ва ўз фаолиятини кенгайтиришида катта имкониятлар яратмоқда, уларнинг нафақат ўзини, балки ўз тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бизнесни юритиш учун зарур бўладиган маблағни тадбиркорларнинг асосий қисми (95,7 фоизи) тижорат банкларидан олиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бу кўрсаткич илгариги натижаларга нисбатан сезиларли даражада ортганлигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни амалга оширишда, аҳолини иш билан таъминлашда банклар томонидан ажратилаётган кредитлар муҳим аҳамият касб этаётганлиги сўровда иштирок этганларнинг аксарияти томонидан алоҳида эътироф этилди.

Фуқароларнинг шахсий томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмакнинг аҳамияти ҳам сўровда қатнашганлар томонидан мамнуният билан таъкидланди. Банклар филиаллари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига мева кўчатлари сотиб олиш, ихчам иссиқхоналар ташкил қилиш, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш учун ажратилган имтиёзли микрокредитлар ўз самараларини бераётганлигини кўпчилик респондентлар қайд этганлар.

Тадбиркорлик фаолияти давомида олинган кредитдан самарали фойдаланиб, юксак натижаларга эришганлиги ва кредитни қайтаришда қийинчиликларга учрамаганлигини билдирганлар ҳиссаси ҳам юқори (97,3 фоиз) кўрсаткични ташкил этмоқда. Бу ижобий кўрсаткич мамлакатимизда тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, бизнес лойиҳаларнинг сифат жиҳатдан мукаммал ва пухта ишлаб чиқилганлиги, кредитдан фойдаланишда банк мутахассислари томонидан самарали мониторинг ўтказилаётгани билан изоҳланади.

«Ижтимоий фикр» маркази сўрови натижалари шундан далолат берадики, Ўзбекистон банк тизимининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳамда оилавий бизнесни, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш йўлида олиб бораётган фаолиятига жамоатчилик катта қизиқиш билан қарамоқда. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари Ўзбекистон банк тизимини янада самарали фаолият кўрсатишига йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқишда қимматли манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Олим ТЎРАҚУЛОВ тайёрлади**

## Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Хабар қилинганидек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди.***

**Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг йиғилишини комиссия раиси Ҳусниддин Маҳкамов олиб борди.**

Унда доимий комиссиянинг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Тасдиқланган режага асосан доимий комиссия ваколатига кирувчи масалаларни ўрганиш юзасидан соҳанинг малакали мутахассислари жалб этилган ҳолда ишчи гуруҳ тузилиши ва ўрганиш натижаларига кўра таҳлилий маълумот тайёрланиши белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда йил давомида сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, фуқароларни қабул қилиш, сайловчиларнинг таклиф ва истаклари асосида тегишли давлат идораларига мурожаатлар қилиш, фуқаролар билан электрон тизим орқали алоқани кенгайтириш, депутатлик фаолияти юзасидан оммавий-ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига тегишли маълумотлар киритиб бориш ҳамда долзарб масалалар бўйича шаҳар Кенгаши сессияларида кўриб чиқиш учун таклифлар тайёрлаш каби қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2012 йил 25 декабрдаги йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди. Ободонлаштириш бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси ва «Тошкент иссиқлик маркази» акциядорлик жамияти фаолиятини, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги ва «Шаҳарсозлик тўғрисида»ги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиш, шаҳар коммунал хўжалиги ва экологияси ҳамда комиссия ваколатига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

**Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг йиғилишини мазкур комиссия раиси Нурилла Насимов олиб борди.**

Унда доимий комиссия аъзолари учун жорий йилдаги вазифалар тақсимоти, шахсий иш режалари, комиссиянинг ўтган йилги фаолияти ва қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳамда сайлов округларида сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш, фуқароларни қабул қилиш, сайловчиларнинг таклиф ва истакларини ўрганиб, тегишли давлат идораларига мурожаат қилиш, сайловчилар билан электрон почта орқали алоқани кучайтириш, оммавий-ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтидаги доимий комиссия фаолиятини бойитиб бориш, долзарб масалалар бўйича шаҳар Кенгаши сессиясига таклифлар киритиб боришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2012 йил 25 декабрдаги йиғилиши қароридан келиб чиқадиган вазифалар комиссия аъзолари томонидан батафсил муҳокама қилинди.

Бундан ташқари комиссия йиғилишида, Тошкент шаҳрида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш каби қатор масалалар кўриб чиқилди.

* * *

**Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг йиғилишини комиссия раиси Шавкат Иргашев олиб борди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари фаолиятини таҳлилий ўрганиш натижалари юзасидан 2012 йил 25 декабрда бўлиб ўтган йиғилиш қароридан келиб чиқадиган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида саноатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилаш, шу мақсадда инвесторларни жалб қилган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга оид вазифаларнинг Тошкент шаҳрида ижросини ўрганиш, 2013 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш масаласи ва туман ҳокимларининг ҳисоботларини муҳокамага қўйиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан бир қаторда доимий комиссия аъзоларининг жорий йилдаги вазифалари тақсимоти, шахсий иш режалари, сайлов округларида сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ўтказиш, фуқароларни қабул қилиш, сайловчиларнинг таклиф ва истакларини ўрганиб, тегишли давлат идораларига мурожаатлар киритиш ва унинг ижросини назорат қилиш, сайловчилар билан электрон почта орқали алоқа қилишни кенг йўлга қўйиш, комиссия аъзоларининг оммавий-ахборот воситаларида фаол иштирокини таъминлаш, шаҳар ҳокимлигининг расмий toshkent.uz веб-сайтига мунтазам материаллар тақдим этиб бориш, долзарб масалалар бўйича шаҳар Кенгаши сессиясига таклифлар киритиб боришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилиб тегишли қарор қабул қилинди.

***Озарбойжон пойтахти Бокуда истиқболли бозорлар учун махсус ишлаб чиқилган Chevrolet Cobalt янги ўзбек автомобилининг тақдимоти ўтказилди.***

## Хушхабар

# CHEVROLET COBALTНИНГ БОКУДАГИ ТАҚДИМОТИ

«Ўзавтосаноат» АК раисининг ўринбосари Тоҳир Жалилов Chevrolet Cobalt автомобилининг озарбойжонлик автоиштиёқмандларига тақдим этилиши давлатимиз халқларини янада яқинлаштиришига ишонч билдирди. У ўз сўзида концептуал жиҳатдан янгича русумда яратилган Ўзбекистоннинг Chevrolet Cobalt автомобили ўз сегментида жаҳон эталонига айланиши ва тез ривожланаётган бозорларда сотилаётган автомобиллар ҳажми бўйича етакчиликни қўлга киритишини таъкидлади. Чунки ажойиб дизайни, замонавий хавфсизлик тизими ва динамик характеристикаларига кўра Cobalt автомобиль ихлосмандларининг барча умидларини оқлайди.

Chevrolet Cobalt автомобили Ўзбекистондаги Асака заводида тўлиқ цикл (қолиплаш, кавшарлаш, бўяш ва йиғиш) бўйича йиғилади. Автомобиль Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган (General Motors Powertrain Uzbekistan) двигателлар билан жиҳозланган. Унинг қуввати 105 от кучини ташкил этиб, 100 км.га ўртача 6,2 литр бензин сарфлайди.

«Ўзавтосаноат» АК матбуот хизмати маълумотларига кўра, Бокуда автомашиналар GM МДҲ компаниясининг Озарбойжондаги расмий дилери ҳисобланган Performance center компанияси томонидан сотилади.

**«Туркистон-пресс»**



***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 270-сонли қарори асосида Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш марказига 1 йилгача муддатга ўқувчиларни бепул ўқишга қабул қилиш ва уларни қайта тайёрлаш ҳамда кириш малака имтиҳонлари (тестлари)ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлади.***

# ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА — АМАЛДА

Мазкур низомга биноан ўқув-қайта тайёрлаш курсларига ўқиш истагини билдирган фуқаролар, жумладан, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини тамомлаган, туман ва шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида қонунга мувофиқ белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан берилган йўлланмаси мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўқишга қабул қилинади.

Ушбу йўлланмалар Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарорига асосан иш берувчи, бандликка кўмаклашувчи тегишли марказ ва таълим олаётганларни иш билан таъминлашни кафолатлайдиган жисмоний шахс ўртасидаги уч томонлама шартнома тузилганда берилади.

Марказ ўқишга қабулни ташкил қилиш учун ўқитишнинг навбатдаги босқичи бошланишидан олтмиш кун олдин ўзининг қабул режасини тузади ва келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига киритади. Қабул режасининг келишуви ўн кун ичида Бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси томонидан таъминланади. Марказнинг ўқишга қабул режаси вазирлик билан келишилган кундан бошлаб уч кун ичида Марказ томонидан оммавий ахборот воситаларида ўқишнинг асосий йўналишлари ва қабул учун шартлар, талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати, Марказ манзили ва мурожаат учун телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда ўқишга қабул тўғрисида эълон берилади.

Марказда ўқиш учун қабул ўқитишнинг навбатдаги босқичи бошланишидан қирқ беш кун олдин бошланади ва ўн беш кун давомида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, Марказда ўқиш учун қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган ўқувчилар белгиланган миқдор доирасида Марказ томонидан ётоқхона билан таъминланади.

Мазкур низом 2013 йил 4 январдан кучга кирган бўлиб, Марказ томонидан ташкил қилинадиган қисқа муддатли пулли курсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**«Туркистон-пресс»**

## Тадбирлар

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

***Тинчлик-осойишталик – энг олий неъмат. Меҳнаткаш халқимиз бу сўзнинг қадр-қиммати ва мазмун-моҳиятини яхши англайди. Шу боис кексаларимиз дуога қўл очганида «Тинчлик ва хотиржамликни берсин!» – деб ният қилишади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганига 21 йил тўлибдики, жаннатмакон юртимизда тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асраб келаётган ҳарбийларимиз байрами – Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонлаб келинмоқда.***

Ўтган давр мобайнида Ички ишлар вазирлиги томонидан мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Юртимизда турли экстремистик оқимларнинг фаолиятига барҳам берилиб, ёшларимизнинг нопок йўлларга кириб кетиш хавфининг олди олинди. Бу борада албатта шарафли касб эгалари – ички ишлар тизими ходимларининг тутган ўрни беқиёсдир. Ҳукуматимиз соҳа ходимларининг саъй-ҳаракатларини эътиборсиз қолдирмаяпти, улар муносиб рағбатлантирилмоқда. Ҳозирда қанчадан-қанча мард, бурчига садоқатли ходимлар кўксини Ватанимизнинг юксак мукофотлари безаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида бўлиб ўтган Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирда ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 22 нафар ички ишлар идоралари ходимларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

Шунингдек, бир гуруҳ ходимлар вазирликнинг «Аъло хизматлари учун» кўкрак нишони, фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Бугун ИИВ Қоровул қўшинлари взвод командири Одил Тошевнинг қувончи чексиз. У хизматларига муносиб тарзда «Жасорат» медали билан тақдирланди.

– Айни дамда ана шундай шарафли касбни танлаб хато қилмаганимни англадим, беминнат хизматларим эътиборсиз қолмаганидан бошим кўкка етди, – дейди Одил. – Юртбошимизнинг бизга билдираётган эътибори ва ишончини оқлаш мақсадида ишимизга янада масъулият билан ёндашишга ваъда бераман.

Тақдирлаш маросими ниҳоясига етгач, республика санъат ва маданият усталари, эл суйган эстрада хонандалари иштирокидаги байрам концерти тадбирда иштирок этаётган ички ишлар тизими ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига кўтаринки кайфият улашди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

# ВАТАНПАРВАРЛИК МАВЗУСИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ

***Темурийлар тарихи Давлат музейида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида «Буюк юрт учун жон фидо» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари, Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлими вакиллари, Тошкент Давлат юридик институти талабалари қатнашди. Тадбирда Юнусобод тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Хайрулла Уриновнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик гарови», Темурийлар тарихи Давлат музейи етакчи мутахассиси, тарих фанлар номзоди Омонулла Бўриевнинг «Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳарбий сиёсатнинг ўрни ва роли», ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, тарих фанлар номзоди Шониёз Мусаевнинг «Бобурийлар давлатида ҳарбий лавозим ва мансаблар» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган илк йилларданоқ, мустаҳкам ва замонавий ҳарбий салоҳиятга Ватанимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти гарови сифатида қаралди. Зеро, Ўзбекистонда ҳарбий соҳанинг ривожланиши мустақил республика сарҳадлари, фуқароларнинг тинч ва осойишта турмуш тарзини ҳимоя қилиш каби умуминсоний тамойилларга асосланади. Мазкур тадбир ана шу эзгу мақсадни ёш авлод онгига сингдириш шу билан бирга уларни ватанпарварлик, мардлик руҳида тарбиялашга қаратилди.

– Давра суҳбатида бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар билан бир қаторда тарихимизда ватанпарварлик ҳаракатлари намояндалари, уларнинг жасоратлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам тингладик, – дейди Тошкент Давлат юридик институти талабаси Жаҳонгир Раббанаев. – Дарҳақиқат, Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчидир. Менинг фикримча, бундай тадбирлар инсонда она заминга бўлган муҳаббат туйғусини янада кучайтиради.

Тадбир сўнггида семинар қатнашчилари музей экпозициясидан ўрин олган Темурийлар давлатининг ҳарбий тизими ҳамда шу давр ҳарбий соҳасига оид анжомлар, уларнинг тарихи билан яқиндан танишдилар.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

*Болажонларга кино ижодкорларимиз муносиб совға ҳозирладилар. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асари асосида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» киностудиясида «Сеҳрли қалпоқча» бадиий фильми яратилди.*

## БОЛАЖОНЛАРГА МУНОСИБ СОВҒА

Алишер Навоий номли киносаройда Сарвар Каримов ва Нозим Жумаевнинг ана шу асари тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимотда қатнашган «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори Аъзам Исҳоқов мустақил юртимизда кино санъатининг ривожланишига берилаётган эътибор туфайли бундан қирқ йил олдин ёзилган ва китобхонларнинг бутун бир авлоди учун севимли бўлиб қолган асар миллий анъаналар руҳида экранлаштирилганини мамнуният билан қайд этиб ўтди.

Ўзбекистон халқ шоири, республика Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид Худойберди Тўхтабоевнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини таъкидлаб, унинг «Қасоскорнинг олтин боши», «Ширин қовунлар мамлакати», «Беш болали йигитча» ва «Сеҳрли қалпоқча» сингари асарлари ўз вақтида воқеа бўлгани, уларнинг ҳозир ҳам севиб ўқилиши ҳақида сўзлади. Энг муҳими, ҳозирда «Сеҳрли қалпоқча» асари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва аллақачон жаҳон болаларининг севимли асарига айланиб қолган. Ниҳоят, юртимиз мустақилликка эришгач, севимли қаҳрамон Ҳошимжон Рўзиев экран орқали болажонлар билан учрашиш имконига эга бўлди.

Тақдимот сўнггида «Сеҳрли қалпоқча» бадиий фильми намойиш этилди.

**Хуршида ОРИПОВА**

## ЎЗБЕК БАРИТОНИНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ



***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий санъатимизни янада равнақ топтириш, эришилган ютуқларни жаҳонда кенг тарғиб этиш, бу борадаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу йўналишдаги ишлар нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Юртимиздаги кўплаб театр жамоалари каби Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг санъаткорлари ҳам хорижда ўтаётган нуфузли кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий анжуманлар, концертларда муваффақиятли иштирок этмоқда, ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқда.***

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри солисти Раҳим Мирзакамолов 2012 йилнинг 16-22 декабрь кунлари Беларусь Республикасининг пойтахти Минск шаҳрида ўтказилган «Competizione dell'Opera» халқаро вокалистлар танловида биринчи ўринни қўлга киритди. Беларусь Республикаси Миллий академик опера ва балет катта театри саҳнасида ўтган мазкур танловда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан 150 вокалист иштирок этди. Ярим финалда олтмишдан зиёд хонанда қатнашди. Финалда эса Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Украина ва Жанубий Кореядан жами 12 нафар ёш хонанда ўз маҳоратини намойиш этди.

«Competizione dell'Opera» танловига 1996 йили Германияда асос солинган. Гамбург шаҳрининг мусиқа ва театр олий мактабининг ўша даврдаги президенти, профессор Герман Рауэ «Cestelli» биринчи опера танловини ташкил этган.

Мазкур танлов шуниси билан эътиборлики, унда иштирокчилар қадимдан XX асргача бўлган даврдаги операларни фақат итальян тилида ижро этадилар. Танловда 20-30 ёшдаги опера ижрочилари қатнашиши мумкин. Уларнинг саҳнадаги чиқишларини дунёнинг йирик опера театри раҳбарлари ва машҳур опера ижрочиларидан иборат халқаро ҳайъат аъзолари баҳолайди.

Таъкидлаш жоизки, бу ўзбек баритони Раҳим Мирзакамоловнинг биринчи муваффақияти эмас. Ҳамюртимиз кўплаб республика ва халқаро танловларнинг лауреатидир. Хусусан, 2010 йили Қозоғистонда ўтган XIII халқаро рус романси ижрочилари танловининг бош совринига лойиқ деб топилган.

– Мустақиллигимиз шарофати билан биз, ўзбек опера санъати вакиллари нуфузли халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, концертлар ва бошқа ижодий лойиҳаларда муваффақиятли иштирок этиш имконига эга бўлдик, – дейди Р.Мирзакамолов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳада эришилган улкан ютуқлар жаҳон санъат мухлисларига кенг таништирилмоқда, ўзбек опера санъатининг халқаро нуфузи ва мавқеи тобора юксалиб бормоқда. «Competizione dell'Opera» танловида ҳайъат аъзолари томонидан белгиланган олти арияни ижро этдим. Танловда ғолиб чиққанимдан жуда хурсандман. Бу – давлатимиз раҳбарининг ёш санъаткорлар равнақи йўлида кўрсатаётган улкан эътибори самараларидандир. Ўз иқтидоримизни намоён этишимиз учун яратилаётган бундай улкан ва кенг имкониятлар биз, ёшларни янада изчилроқ изланишга ундайди.

Р.Мирзакамолов Ўзбекистон давлат консерваториясини опера солисти йўналиши бўйича муваффақиятли тамомлагач, ижодини Тошкент давлат оперетта театридан бошлади. Айни пайтда у дунёнинг кўплаб етакчи опера саҳналарида ўз истеъдодини намойиш этиб келаётир. Энг мураккаб партияларни ҳам юксак маҳорат билан ижро этади. Ноёб, айни пайтда кучли ва ширали овоз соҳибининг репертуаридан ўзбек, француз, итальян ва бошқа халқлар композиторларининг асарлари ўрин олган.

Ҳа, мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, санъатнинг барча йўналишидаги ўзига хос анъана ва мактабларни ривожлантириш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бераётгани бугун опера санъатида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**



## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент шаҳар ва туман дезинфекция станциялари шаҳримиздаги мавжуд корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари билан профилактик дезинфекция, суваракларга ва бошқа бўғиноёқли ҳашаротларга, кемирувчиларга қарши**

**2013 ЙИЛ УЧУН ШАРТНОМА ТУЗИШНИ**

*маълум қилади, шунингдек, шаҳримиз аҳолисига буюртма асосида хизмат кўрсатишини ҳам билдиради.*

Бизлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсат этган экологик тоза дез.моддалар билан ишлов берамиз.

Хизматлар лицензияланган, кафолатли.

Бизнинг манзил:

Тошкент шаҳар дезинфекция станцияси.

Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 341а-уй.

Телефонлар: 248-74-36, 321-30-70, 234-51-50

Юнусобод тумани дезинфекция станцияси.

8-мавзе, 34-уй, ДСЭНМ биносида.

Телефон: 224-38-90

Миробод тумани дезинфекция станцияси.

Помир кўчаси, 13-уй.

Телефонлар: 293-50-09, 293-47-85

Сергели тумани дезинфекция станцияси.

11-мавзе, Мардлик кўчаси, 56-уй.

Телефон: 258-52-44

Бектемир тумани дезинфекция станцияси.

Ҳ. Бойқаро кўчаси, 48-уй, ДСЭНМ биносида.

Телефон: 295-26-06

Яккасарой тумани дезинфекция станцияси.

Кушбеги мавзеси, 24-уй, 319-мактаб биносида.

Телефон: 778-26-01

Чилонзор тумани дезинфекция станцияси.

Арнасой кўчаси, 7-уй

Телефон: 280-56-40

Учтепа тумани дезинфекция станцияси.

22-мавзе, Фозилтепа кўчаси, 27-уй

Телефон: 217-45-21

Мирзо Улуғбек тумани дезинфекция станцияси.

2-Қорасув даҳаси, туман ДСЭНМ биносида.

Телефон: 959-59-55

Олмазор тумани дезинфекция станцияси.

Уста Ширин 1-берк кўчаси, 1-уй.

Телефон: 228-12-54

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЕР ҚАЪРИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРГА АХБОРОТ ТАРИҚАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркибида номаъдан фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар бериш бўйича Комиссияси йиғилишининг Мажлис баёнларига мувофиқ 2012 йилда 284 та ер қаъри участкаси Очиқ савдоларга қўйилди.

**Геология-қидирув ишларини олиб бориш учун:**

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича – 10 та, Андижон вилояти бўйича – 8 та, Бухоро вилояти бўйича – 46 та, Қашқадарё вилояти бўйича – 23 та, Наманган вилояти бўйича – 20 та, Самарқанд вилояти бўйича – 9 та, Сирдарё вилояти бўйича – 3 та, Сурхондарё вилояти бўйича – 5 та, Тошкент вилояти бўйича – 37 та, Хоразм вилояти бўйича – 5 та, Фарғона вилояти бўйича – 9 та, Жиззах вилояти бўйича – 2 та, Навоий вилояти бўйича – 6 та (ҳаммаси бўлиб 183 та объект).

**Номаъдан фойдали қазилмалар қазиб чиқариш учун:**

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича – 6 та, Андижон вилояти бўйича – 17 та, Қашқадарё вилояти бўйича – 12 та, Наманган вилояти бўйича – 5 та, Самарқанд вилояти бўйича – 7 та, Сирдарё вилояти бўйича – 3 та, Сурхондарё вилояти бўйича – 5 та, Тошкент вилояти бўйича – 22 та, Хоразм вилояти бўйича – 7 та, Фарғона вилояти бўйича – 6 та, Жиззах вилояти бўйича – 6 та, Бухоро вилояти бўйича – 2 та, Навоий вилояти бўйича – 3 та (ҳаммаси бўлиб 101 та объект).

Ўзларининг участкалари 2013 йилда Очиқ савдоларга қўйиладиган ер қаъри участкалари Рўйхатига киритилишини хоҳлаётган тадбиркорлар, ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига оид лицензиялар даъвогарлари лицензиялар олиш учун 2013 йилнинг 20 январига қадар ЎзР Давгеолқўмининг лицензия бериш бўлимига тегишли ҳужжатлар пакетини тақдим этишлари зарур.

Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан шуғулланаётган барча ташкилотлар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига мувофиқ 2013 йилнинг 1 февралига қадар Давлат Геология фондига захираларнинг ҳаракати ҳақидаги маълумотларни тақдим этишлари зарур.

Савдолар натижалари бўйича ахборот «Тадбиркор» бўлимида ЎзР Давгеолқўмининг сайтида (www.uzgeolcom.uz) жойлаштирилади.

**Қизиқаётган масалалар бўйича ЎзР Давгеолқўмининг лицензия бериш бўлимига 256-05-40 (8-371) телефони бўйича мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Тошкент шаҳри**

Шайхонтоҳур туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бектемир туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Яккасарой туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Яккасарой туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза.*
*2. Паспорт нусхаси.*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа.*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма).*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 7 февраль)

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

*Саноат корхонаси «Корхона бош энергетигининг биринчи ўринбосари» лавозимига*
***ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:***

*Даъвогарга қўйиладиган талаблар: соҳа бўйича олий маълумот, муҳандис-техник ва раҳбарлик лавозимларида ишлаш бўйича – камида 5 йиллик тажрибага эга бўлиши, хавфсизлик бўйича рухсат берилган гуруҳи – бешинчидан паст бўлмаслиги керак. Иш ҳақи – суҳбатлашиш якуни бўйича белгиланади. Лавозим бўйича кўтарилиш истиқболлари мавжуд.*

**Шунингдек, корхонага юқори малакали электриклар ва КИПиА созловчилари ишга қабул қилинади.**

*Корхона хизмат транспорти, бепул овқат билан таъминлайди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Чимёнда болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.*

*Мулоқот учун телефонлар:*
*241-10-81, 929-55-97.*

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110.14 кв.м, фойдаланиш майдони 66.32 кв.м. бўлган, 5 хоналик уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 135 838 974 сўм.**

**Савдо 2013 йил 1 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 30 январь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«Хабиба савдо сервис» хусусий корхонаси (ИНН-205736499) фондининг 3.650.300 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида +99893-570-29-41 телефон рақами орқали қабул қилинади.

1-Республика тиббиёт коллежи томонидан 1994 йилда Уразбаева Мақсуда Хайтимматовна номига берилган №023822, рўйхат рақами №1639 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Архитектура ва қурилиш институти томонидан 1992 йил 15 ноябрда Ашуров Холмурад Джурабаевич номига берилган ФВ 912353 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани А. Қаҳҳор кўчаси, 40 А-уй, 67-хонадонда истиқомат қилувчи Хожиев Толиб Тожиевичга тегишли бўлган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

